

АДОЛАТ


ЁҒ ЗАВОДИ ИШГА ТУШДИ

Шеробод туманида ёғ ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси ишга туширилди.

У бир йилда 18 минг тонна чигитни қайта ишлаш қувватига эга. Ишлаб чиқариш қувватини уч йил ичида тўрт баробарга кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Айни вақтда бу ерда тўртта — чигит қақиш, тозалаш, преслаш ва оқлаш цехлари ишлай бошлади.

Мазкур корхона ишга тушиши туфайли юзта янги иш ўрни яратилди. Уч сменада иш олиб бориладиган корхона Хитойдан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

Суратларда: хитойлик мутахассис Чин Хонг Цай ва оператор Давлат Пайамов; қўшма корхона цехлари. И.ХУҲАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.



2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

ЯНГИ ШИФО МАСКАНЛАРИ

Бағдод туманининг Қашқари қишлоғида беш минг аҳолига хизмат кўрсатадиган замонавий қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди.

Туман ҳокимлиги ташаббуси ва ҳомиёлар кўмаги билан қуриб битказилган мазкур шифо маскани эмлаш, физиотерапия, лаборатория, болалар ва аёллар бўлими, дорихона ҳамда кундузги стационарни ўз ичига олган.

Сўнгги йилларда Бағдод туманида тиббиёт соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Марказий шифохонанинг туғруқ бўлими биноси замонавий талабларга асосан қўшма қиёфа касб этди. Ироғли, Амиробод, Каримбобо, Мирзабод қишлоқларида замонавий қишлоқ врачлик пунктлари қад ростланди. Тумандаги барча тиббиёт муассасаларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ахлининг тиббий маданиятини юксалтириш борасида аниқ тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. "Саломатлик-1" ҳамда "Саломатлик-2" лойиҳаси бўйича келтирилган замонавий жиҳозлар тиббий хизмат сифатини яхшилаш имконини бермоқда.

(ЎЗА)

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилоят Кенгашининг VI Пленуми бўлиб ўтди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, шаҳар ва туман Кенгашлари котиблари, партия фаоллари иштирок этган Пленумда бир неча масала кўриб чиқилди.

Анжуман кун тартибидagi биринчи масала — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига "Адолат"

СДПдан бўлажак номзод тўғрисида вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби К.Шодиметов сўзга чиқди. Таъкидландики, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш мақсадида кенг қўлмали ислохотлар олиб боришмоқда. Бунинг самараси ўларок, демократик тамойилларга асосланган сайлов амалиёти жорий этилди.

Тадбирда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг IV Курултойига делегатлар сайлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчилар имзоларини йиғиш тўғрисидаги масалалар ҳам қизгин муҳокама этилди. Имзоларни тўплаш жараёнида сайлов қонунчилиги ва, шунингдек, партия Сиёсий Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган тавсияларга алоҳида эътибор қаратилиши зарурлиги

қайд этилди. Ушбу масала юзасидан партия Сиёсий Кенгаши котиби, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Х.Маматов сўзга чиқди. Нотиқ ўз маърузасида пойтахт вилоятидаги умумий сайловчиларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда "Адолат" СДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинishi учун вилоятдан камида 65-70 минг киши имзосини тўплаш лозимлигини айтиб, бу жараёнда партия етакчиларини фаолликка чақирди.

Пленум кун тартибидида ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди. Республика маънавият тарғибот маркази вилоят бўлимида ишлаб келаётган М.Хамидов вилоят партия Кенгаши иккинчи котиби этиб сайланди.

Пленумда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Куннинг иккинчи ярмида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали ҳамда вилоят партия Кенгаши ҳамкорлигида "Сиёсий партиялар, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари — сайлов жараёнларининг асосий иштирокчилари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Партия кўзгуси

ВИЛОЯТ ПЛЕНУМЛАРИДА



(ЎЗА)

Сафдошларимиз

МАНЗИЛЛАРНИ РАВОН АЙЛАБ...

Булунғур туман йўлсозлик идорасида "Адолат" СДПнинг 47 нафар аъзоси бунёдкорлик ишлари билан банд

Одатда йўлсозларнинг иши ҳар қадамда кўзгудадек яққол сезилиб туради. Вазифага озгина бўлса-да, енгиллиги ёндашиш йўли сифатида, демаски, йўловчиларнинг қайфиятига албатта таъсир кўрсатади.

Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, Булунғур туман йўл қурилиш, фойдаланиш, пудрат таъмирлаш корхонасида бажарилган ҳар битта иш натижаси учун жавобгарлик масулияти кучли.

— Шу йилнинг ўтган 9 ойида салкам 200 миллион сўмлик пудрат ишларини утқаладик, — дейди йўлсозлик идораси раҳбари Холикул Норбеков. — Жами 12 километр узунлидаги Булунғур-Ургут ва Оқтепа йўллари таъмирдан чиқарилди.

Дарвоқе, жамоа халқаро, давлат ва вилоят аҳамия-

тига молик жами 300 километр узунлидаги йўлларга хизмат кўрсатади. Шу мақсадда йўлсозлик идораси зарур техника, маблағ ва малакали ходимларга суяниш ҳар бир муаммага ечим топтомоқда. Эътиборлиси шундаки, жамоада меҳнат қилаётганларнинг тенг ярми ёки 47 нафари "Адолат" СДП аъзоларидир. Йўлсозлик идораси қошидаги бошланғич партия ташкилоти бунёдкорлик ишларида ташаббускорлиги, фаоллиги билан аллақачон туманда эътибор қозongan.

Участка бошлиги Абдурашид Маматкулов бошланғич

ташкilot котиби сифатида жамоага фойда келтирадиган янги таклиф, режаларни муҳокамага олиб чиқиш ва ишга солиш билан банд. Механик Сирож Носиров, ҳисобчи Комил Худойбердиев, оддий йўлсозлар Шуҳрат Йўлдошев, Шукур Норбековлар ҳам бу борада ўз изланувчанликларини намойиш эта олишган.

— "Адолат" СДПнинг дастурий гоёларни ижтимоий соҳаларга йўналтирилган кенг қамровли эканлиги билан ҳам партия аъзосини хушёр тутати, — дейди йўлсоз Шерзод Қаймов. — Ташкilotимизда хайрихоҳлар билан суҳбатларда мен уларга мақсад ва интилишларимизни тушунтириб бераман. Партиядан имтиёз талаб қилувчилар ёки унинг

гоёларини маъқуллаб сидқидил хизматга шайланганлар дарҳол билиниб қолади. Шунга қараб ким бизга сафдош бўлишини аниқлаб оламиз.

— Ижтимоий ҳимоя йилида жамоанинг меҳнат ва яшаш шароитларини анча яхшилашга муваффақ бўлдик, — дейди партия аъзоси Сирож Носиров. — Мутахассисларимиз бажарилган иш учун ойига 250 минг сўмгача маош олишмоқда. Йўлсозлик идорасида ишлаб нафақага чиққанларнинг уйлари таъмирлаш, даволаниш, санаторийларда дам олишлари учун ҳам ёрдам кўрсатаймиз.

Ҳа, жамоада ўзаро ахиллик, ҳамфикрлик, ягона мақсад сари интилиш му-

хити қарор топгани қийин вазибаларни утқалашда қўл келмоқда. Йўлсозлардан катта гуруҳи гоёта маъсулиятли вазифа — Самарқанд-Қарши халқаро автомагистралини таъмирлашда иштирок этгани ва иш сифати масаласида экспертларнинг эътирозига ўрин қолдиришмагани ҳам бурча-га чуқур маъсулият, фидокорлик туфайлидир.

— Ҳар битта йўл равон, обод бўлса-ю, одамлар борар манзилларидан роҳат-фароғат топишса, савобу шукронаси ҳаммамизга тегади, — дейди йўлсоз Абдували Тўйчиев. — Шундай касбда ишлаётганимдан ва шундай сафдошларим борлигидан хурсандман.

Зохир ТўРАҚУЛОВ, "Адолат" муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рўза ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида"ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон фармониға мувофиқ:

1. 2007 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кунини 13 октябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини инобатга олиб, 2007 йил 13 октябрь мамлакатимизда Рамазон байрамининг биринчи кунини сифатида кенг нишонлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2007 йил 10 октябрь

И.КАРИМОВ

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

11 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абду-саломи бошқарди.

Мажлисида "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Жўрорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида му-

хайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Таъкидланганидек, округ сайлов комиссияси аъзоларига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўрорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида му-

Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаш учун тавсия этилган бўлиб, улар жамоатчилигининг обрўли вакиллари орасидан танлаб олинган.

Мажлисида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУТЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9, 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:

1-Қорақалпоғистон сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазириликнинг биноси, Нукус шаҳри, Унгал Татибобов кўчаси, 11-уй. Сайловчилар сони — 960,0 минг киши.

Қорақалпоғистон Республикаси чегараси

доирасида.

2-Тошкент шаҳар сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — Тошкент шаҳар бинолардан фойдаланиш департаментининг биноси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 14-уй. Сайловчилар сони — 1531,4 минг киши.

Тошкент шаҳри чегараси доирасида.

3-Андижон сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Андижон шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 32-уй. Сайловчилар сони — 1485,1 минг киши.

Андижон вилояти чегараси доирасида.

(Давоми 2-бетда)

«АДОЛАТ» СДП: ТАШАББУС ВА ТАДБИРЛАР

Хоразм вилоят партия Кенгаши ташаббуси билан Ўрган шаҳридаги Санаят-транспорт коллежи талабалари иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Вилоят Кенгаши котиби Н.Қўшчинова "Ёшлар — партияимиз суяничи ва таянчи" мавзусида маъруза қилиб, уларнинг фаоллиги ва ташаббускорлиги жамият равнақи учун муҳим омил эканлигини таъкидлади.

Фаллаорол ва Бахмал туман

Кенгашларида "Чекка, қишлоқ хотин-қизларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш" мавзусида давра суҳбатлари ташкил этилди. Тадбирларда қўллаб-қувватловчи иштирок этиб, ташкилотчилардан қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олишди.

Когон шаҳридаги 4-маҳалла фуқаролар йиғинида "Хавфсизлик, барқарорлик, собит-қадамлик" мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Шаҳар партия Кен-

гаши ташаббуси билан ташкил қилинган ушбу тадбирда партия фаоллари, фуқаролар иштирок этди.

Бухоро шаҳар партия Кенгаши томонидан "Эшон пир" маҳалла фуқаролар йиғинида "Миллий қадриятларимиз ва ёшлар" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Тадбирда сўзга чиққанлар мустақил Ўзбекистон тараққиётида ёшларнинг ўрни юқори эканлигини алоҳида таъкидлашди.

«Адолат»га обуна бўлинг!

Азиз газетхонлар! Мамлакатимиз ва дунёда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий соҳалардаги янгиликлар, ўзгаришлардан йил давомида хабардор бўлиб боришни хоҳлайсизми? Унда «АДОЛАТ»га обуна бўлишга шовиллинг!

Ҳа айтганча, 2008 йилда Сиз, азиз муштарийлар томонидан йўлланган, турли таклиф-мулоҳазаларингиз битилган мактубларни, мақолаларни газетамиз саҳифаларида кенг ёритишни режалаштирганимиз.

Обуна «Ўзбекистон почтаси», «Матбуот тарқатувчи» идоралари ва бошқа ташкилотлар томонидан расмийлаштирилмоқда. Газета нашр индекси — 100.

«АДОЛАТ» доимий ҳамроҳингиз бўлсин!



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

4-Бухоро сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — вилоят маънавият тарғибот бўлими биноси, Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шохкўчаси, 6-уй. Сайловчилар сони — 972,3 минг киши.

Бухоро вилояти чегараси доирасида.

5-Жиззах сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — вилоят маънавият тарғибот бўлими биноси, Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов шохкўчаси, 70-уй. Сайловчилар сони — 609,8 минг киши.

Жиззах вилояти чегараси доирасида.

6-Навоий сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — «Фарҳод» маданият саройи биноси, Навоий шаҳри, Халқлар дўстлиги шохкўчаси, 67-уй. Сайловчилар сони — 514,7 минг киши.

Навоий вилояти чегараси доирасида.

7-Наманган сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — «Ўзбекивест» экспорт-импорт Миллий сўғрта компанияси вилоят бўлими биноси, Наманган шаҳри, Бобораҳим Машраб кўчаси, 3-уй. Сайловчилар сони — 1283,1 минг киши.

Наманган вилояти чегараси доирасида.

8-Самарқанд сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — вилоят касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 2-уй. Сайловчилар сони — 1724,3 минг киши.

Самарқанд вилояти чегараси доирасида.

9-Сирдарё сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — вилоят касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 60-уй. Сайловчилар сони — 409,5 минг киши.

Сирдарё вилояти чегараси доирасида.

10-Сурхондарё сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — «Сурхонэлектротармоқлари» корхонаси биноси, Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 10-уй. Сайловчилар сони — 1107,5 минг киши.

Сурхондарё вилояти чегараси доирасида.

11-Тошкент вилояти сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — вилоят молия бошқармаси биноси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 15-уй. Сайловчилар сони — 1597,2 минг киши.

Тошкент вилояти чегараси доирасида.

12-Фарғона сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилоят бўлими биноси, Фарғона шаҳри, Турсун Камбаров кўчаси, 27-уй. Сайловчилар сони — 1803,6 минг киши.

Фарғона вилояти чегараси доирасида.

13-Хоразм сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — вилоят маданият бошқармаси биноси, Ал-Хоразмий кўчаси, 27-уй. Сайловчилар сони — 894,7 минг киши.

Хоразм вилояти чегараси доирасида.

14-Қашқадарё сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — «Ўзгеобурғунфгаз» акциядорлик компанияси биноси, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 35-уй. Сайловчилар сони — 1404,2 минг киши.

Қашқадарё вилояти чегараси доирасида.

II. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси

Марказий сайлов комиссияси Ранис М.АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 5 октябрь

2007 йил 23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари таъминлайди.

Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тузилади.

Округ сайлов комиссияларининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари тавсиясига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

Участка сайлов комиссияларининг аъзолари халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашилари тавсиясига биноан тегишли округ сайлов комиссиялари томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва ўзга тарзда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари, жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари ўз маблағларини сайлов ўтказиш учун ихтиёрий равишда беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

(«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонундан)

ВИЛОЯТ ПЛЕНУМЛАРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Адолат» СДП Қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдаги Пленуми ўтказилди. Кун тартибидеда дастлаб, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда иштироки тўғрисидаги масала юзасидан вилоят Кенгаши биринчи котиби Абдуқадир Аҳмедовнинг маърузаси тингланди.

Сайлов ҳуқуқини амалга ошириш сиёсий жараёнларини ҳаракатли келтирувчи, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилувчи ҳодисадир, — деди нотиқ.

Хар қандай мамлакатда рўй бераётган сиёсий жараёнларни аниқлаб етиш ва уларга баҳо бериш учун, аввало, жамият сиёсий тизимиغا, ҳусусан, ундаги сайловларнинг нечоғли демократик характерда эканлигига эътибор қаратилади.

«Адолат» СДП мамлакатимизда тобора ўз нуфузи ва ўрнига эга бўлиб бормоқда. Пленумда Президент сайловида иштирок этиш, сайлов натижалари қандай бўлишидан қатъи назар, партия учун



мамлакат сиёсий майдонида янада чиниқиб, тахриба ортириш борасида улкан мактаб вазифасини ўташи алоҳида таъкидланди. Музокара-ларда сўзга чиққан Мириш-кор туман партия Кенгаши-нинг биринчи котиби Махмуд Тўраев ушбу фикрларни қув-ватлаб, сайловга ҳар жиҳат-дан жиддий тайёргарлик қўриб, уни юқори савияда ўтказиш учун қатъиятли бўлиш лозимлигига эътибор-ни қаратди.

Анжуманда «Адолат» СДПдан Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президентлигига кўрсатилаётган номзод Мар-казий сайлов комиссияси то-монидан рўйхатга олиниши учун вилоятдан имзо йиғиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депута-ти Абдулла Абдуназаров маъ-руза қилди.

Пленумда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг IV Қурул-тойига делегатлар сайланди. Анжуман сўнггида партия-га аъзо бўлиб қирган 30 на-фар фуқарога аъзолик ғувоҳ-

номалари топширилди.

«Адолат» СДП Наманган вилоят Кенгашининг Плену-ми бўлиб ўтди. Унда партия Сиёсий Кенгашининг VIII Пленумида кўриб чиқилган маса-лалар атрофида муҳокама қилинди.

Пленумда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спике-рининг ўринбосари Дилором Тошмухаммедовнинг Ўзбе-кистон Республикаси Прези-дентлигига номзодини қўллаб-қувватлаш, «Адолат» СДПнинг навбатдаги Қурул-тойига делегатлар сайлаш ҳамда Ўзбекистон Республи-каси Президентлигига бўла-жак номзодини қўллаб-қувват-ловчи имзо varaқаларини тўплаш масалалари кўриб чи-қилди.

Маърузалардан юзасидан кенган қизгин мунозаралар-дан сўнг тегишли қарор қабул қилинди.

Шунингдек, Тошкент ша-ҳар ҳамда Бухоро, Сурхон-дарё, Сирдарё ва Андижон вилоят партия Кенгашилари Пленумлари ҳам бўлиб ўтди.

Ўз мухбирларимиз

Давра суҳбати

ВАТАН РАВНАҚИ УЧУН БАРЧАМИЗ МАСЪУЛ

Бу юрт миллати, дини, irqи, ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, ҳаммаимизники, унинг тобора гуллаб-яшнаши учун ҳар биримиз масъул. Ҳаётимизнинг маънавий тарафлари таъминлашда эса сиёсий партия-ларнинг иштироки муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш ин-ститутини Хоразм вилоят филиали, «Адо-лат» СДП ҳамда ҲаДПД вилоят Кен-гашилари ташаббуси билан ўтказилган «Кучли ижтимоий сиёсат — давлат ва жамият қурилишининг устувор йўнали-ши» мавзусидаги давра суҳбатига, тўплаган фаолларнинг фикрларида ҳам ана шу мазмунга яна бир бор ўз фойдасини топди.

Фикр ва қарашларнинг хилма-хил-лиги энг мақбулани таллаб олиш им-кониятини яратди, — деди «Адолат» СДП вилоят Кенгаши биринчи котиби Н.Заматов. — Муҳими, ҳар бир партия аъзоси ўз юртининг фидойиси бўлса, ҳаётимиз янада яхшиланиб, эзгу ғояла-

римиз тезроқ амалга ошади.

Шундан кейин нотиқ партия ташки-лотлари, ҳусусан, депутатлар фаоли-гини оширишга эътибор қаратди:

— Олий Мажлис Қонунчилик палата-си ҳамда маҳаллий Кенгашлар депу-татларининг ўз сайловчилари билан тез-тез учрашиб туришлари қабул қили-наётган қарорларнинг ҳаётлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу наин-ки янги қонунлар ижросини осонлаш-тиради, балки сиёсий партиялар нуфу-зини ҳам оширади.

Давра суҳбатига сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депута-ти, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси А.Абдуназаров мустақиллик йиллари-

да мамлакатимизда амалга оширил-ган ислохотлар самараси тўғрисида сўз юритди. Шунингдек, аҳолининг сиё-сий онги ва маданиятини юксалти-риш, қабул қилинаётган қонунлардан фуқаролар хабардорлигини ошириш, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш каби ма-салалар партиялар ҳамда нодавлат но-тижорат ташкилотлар олдига турган муҳим вазифалар эканлигини қайд этилди.

Давра суҳбатига Фуқаролик жамия-тини ўрганиш институтини вилоят фи-лиали етакчи илмий ходими М.Бек-чановнинг «Давлат бошқаруви ян-гилаш ва демократлаштиришда ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини оши-риш» мавзусидаги маърузаси билан якун ясалди.

Й.ЭШМУРДОВ

Қонун барчага баробар

ЖАРГА ҚУЛАГАН «ТИКО»

ёхуд жиноят жазосиз қолмади

Хусниддин «Тико» энгил маши-насини бошқариб бораётган эди. Шу пайт йўловчи қўл кўтариб тўхтади.

— Тоққа, қишлоққа бориб кели-шим керак. Хўп десангиз, келгани-миздан сўнг ўттиз минг сўм хизмат ҳақи бераман.

Хусниддин бироз ўйлабди тур-ди-да: «Бу кам, бироз қўшин» деди. — Майли, йигитнинг сўзи қайт-гунча шайтоннинг бўйини синсин. Бўпти, ўттиз беш минг бераман, розимисиз?

Шу тариха, ўзаро келишувга му-вофиқ икковлон йўлга тушишди. Техника техника-да, йўлнинг узоғи ҳам унчалик билинмади. Манзилга анча барвақт етиб боришди. Кеч-гача меҳмон бўлишди, сўнг ортга қайтишди. Бу орада танишиб ҳам олишди, ҳатто худди эски қадр-донлардек бўлиб кетишди. Қўрган, билганларини айтиб бир-бирлари-ни зериктирмадилар.

Кош қорайиб, вақт алламахал бўла бошлаганида Одинанинг ния-ти бузилди. Меҳмондорчиликда ичилган ароқ кучини кўрсата бош-

лади. «Кичкинагина жуссали, қил-тириқ қайдоқнинг бор бўлса, бир муштлик холи бордир» — ўзича ўйлади у. Уриндиғи ёнида турган темирни ушлаб қўриб ўзига яна ҳам ишончи ортди. Машина сер-катнов шаҳар йўлига тобора яқин-лашиб борарди. Оқил эса ўзича режа туза бошлади...

Эртаси кун ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари тоғ йўлида-ги жарликдан қулаб тушган «Тико» машинаси ва ҳайдовчининг жаса-дини топишди. Олиб борилган тез-кор тергов ҳаракатлари натижаси-да бу оддий йўл-транспорт ҳоди-саси эмаслигини, балки қасддан қилинган жиноят эканлиги ойдин-лашди. Арзimas пулни деб қўтил-ликка қўл урган Одинанинг қирди-корлари тергов жараёнида тўлиқ ўз исботини топди. Суд-тубийёт экспертизасининг ҳулосалари, гу-воҳларнинг юзлаштириш баёно-маларига кўра, жиноятчи ЖҚнинг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди.

Шавкат РАҲМАТОВ,
Бекобод туман прокурори

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ — ФУҚАРОЛАР СИЁСИЙ ЭРКИНЛИГИ ИФОДАСИ

У мазмунан ҳам, моҳиятан ҳам демократия демакдир, — дейди
Тошкент Давлат юридик институти доценти, юридик фанлари номзоди
Абдусалом НОРБОЕВ

Ҳуқуқшунос олим маъмур мавзудаги суҳбатини таллаб-лар билан бўлган мулоқотла-ри тафсилотлари асосида ҳикоя қилиди.

2007 йил 23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунини деб белгилангани ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилиниши билан «Ўзбекистон Республи-каси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунни яна бир бор диққат билан ўқиб чиқиш учун қўлимга олдим ва ундаги моддаларга бирма-бир қўз ташладим:

«Ўзбекистон Республика-си Президенти сайловини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади».

Ўзбекистон Республика-си Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши билидиган, бевосита сайловга камидан ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муким яшаётган Ўзбекистон Рес-публикаси фуқароси сайла-ниши мумкин.

Ўзбекистон Республика-си Президенти етти йил муддатга сайланади».

«Ўзбекистон Республика-си Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва бевосита фу-қаролар эгадирлар».

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошлангичлиги эълон қилинган кундан ка-мидан олти ой олдин Ўзбе-кистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирда-гина Ўзбекистон Республи-каси Президентлигига ном-зод кўрсатиши мумкин.

Сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Ўзбеки-стон Республикаси Прези-дентлигига номзод кўрса-тиш учун камидан уч юз на-фар сайловчилар иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин».

...Орадан икки-уч кун ўтиб, талабаларга сабоқ бераётган кезларимда гап айланиб, Пре-зидент сайловига ва сайло-волди жараёнларига, қолавер-са, Президент сайлови аҳами-ятига қўлиб тақалди. Талаба-лар аввалгига ўзларини қизиқ-тирган саволлар беришди.

Биринчиси: «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари қандай ҳисобланади? Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари чекланиши мумкинми?»

Мен жавоб бердим: «Фуқа-роларнинг сайлов ҳуқуқлари-ни тўғридан-тўғри ёки билво-сита чеклаш фақат қонун та-лаби асосидагина амалга оширилиши мумкин. «Ўзбеки-стон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасига кўра, суд томонидан муомалалга лаёқатсиз деб топилган фуқаро-лар, шунингдек, суднинг ҳук-мига мувофиқ озодликдан маҳрум этиш йўлидада сақ-ланаётган шахслар сайловда қатнашмайдилар».

Яна биринчиси: «Фуқа-роларнинг сайлов ҳуқуқлари-ни тўғридан-тўғри ёки билво-сита чеклаш фақат қонун та-лаби асосидагина амалга оширилиши мумкин. «Ўзбеки-стон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасига кўра, суд томонидан муомалалга лаёқатсиз деб топилган фуқаро-лар, шунингдек, суднинг ҳук-мига мувофиқ озодликдан маҳрум этиш йўлидада сақ-ланаётган шахслар сайловда қатнашмайдилар».

«Мен сайлов кунини доимий яшаш жойимда бўлмаслигим мумкин. Демак, овоз бериш-да иштирок этолмайман?»

Ҳуқуқшунос олим маъмур мавзудаги суҳбатини таллаб-лар билан бўлган мулоқотла-ри тафсилотлари асосида ҳикоя қилиди.

2007 йил 23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунини деб белгилангани ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилиниши билан «Ўзбекистон Республи-каси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунни яна бир бор диққат билан ўқиб чиқиш учун қўлимга олдим ва ундаги моддаларга бирма-бир қўз ташладим:

«Ўзбекистон Республика-си Президенти сайловини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади».

Ўзбекистон Республика-си Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши билидиган, бевосита сайловга камидан ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муким яшаётган Ўзбекистон Рес-публикаси фуқароси сайла-ниши мумкин.

Ўзбекистон Республика-си Президенти етти йил муддатга сайланади».

«Ўзбекистон Республика-си Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва бевосита фу-қаролар эгадирлар».

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошлангичлиги эълон қилинган кундан ка-мидан олти ой олдин Ўзбе-кистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирда-гина Ўзбекистон Республи-каси Президентлигига ном-зод кўрсатиши мумкин.

Сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Ўзбеки-стон Республикаси Прези-дентлигига номзод кўрса-тиш учун камидан уч юз на-фар сайловчилар иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин».

...Орадан икки-уч кун ўтиб, талабаларга сабоқ бераётган кезларимда гап айланиб, Пре-зидент сайловига ва сайло-волди жараёнларига, қолавер-са, Президент сайлови аҳами-ятига қўлиб тақалди. Талаба-лар аввалгига ўзларини қизиқ-тирган саволлар беришди.

Биринчиси: «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари қандай ҳисобланади? Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари чекланиши мумкинми?»

Мен жавоб бердим: «Фуқа-роларнинг сайлов ҳуқуқлари-ни тўғридан-тўғри ёки билво-сита чеклаш фақат қонун та-лаби асосидагина амалга оширилиши мумкин. «Ўзбеки-стон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасига кўра, суд томонидан муомалалга лаёқатсиз деб топилган фуқаро-лар, шунингдек, суднинг ҳук-мига мувофиқ озодликдан маҳрум этиш йўлидада сақ-ланаётган шахслар сайловда қатнашмайдилар».

Яна биринчиси: «Фуқа-роларнинг сайлов ҳуқуқлари-ни тўғридан-тўғри ёки билво-сита чеклаш фақат қонун та-лаби асосидагина амалга оширилиши мумкин. «Ўзбеки-стон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасига кўра, суд томонидан муомалалга лаёқатсиз деб топилган фуқаро-лар, шунингдек, суднинг ҳук-мига мувофиқ озодликдан маҳрум этиш йўлидада сақ-ланаётган шахслар сайловда қатнашмайдилар».

«Мен сайлов кунини доимий яшаш жойимда бўлмаслигим мумкин. Демак, овоз бериш-да иштирок этолмайман?»

Ҳуқуқшунос олим маъмур мавзудаги суҳбатини таллаб-лар билан бўлган мулоқотла-ри тафсилотлари асосида ҳикоя қилиди.

2007 йил 23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунини деб белгилангани ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилиниши билан «Ўзбекистон Республи-каси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунни яна бир бор диққат билан ўқиб чиқиш учун қўлимга олдим ва ундаги моддаларга бирма-бир қўз ташладим:

«Ўзбекистон Республика-си Президенти сайловини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади».

Ўзбекистон Республика-си Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши билидиган, бевосита сайловга камидан ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муким яшаётган Ўзбекистон Рес-публикаси фуқароси сайла-ниши мумкин.

Ўзбекистон

3A)

Омоҳ ўз паноҳида асрасин!

1 2 3 4 5